

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИККИМЁ ИНСТИТУТИ

САЙДАХМЕДОВ ЭЛЁРБЕК ЭГАМБЕРДИ ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ АСОСИДА БИТУМ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёвий технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Сайдахмедов Элёрбек Эгамберди ўғли**

Маҳаллий иккиламчи хомашё асосида битум олиш технологиясини
ишлаб чиқиш..... 3

Сайдахмедов Элёрбек Эгамберди угли

Разработка технологии получения битумов на основе местного
вторичного сырья..... 21

SaydakhmedovElyorbek Egamberdi ugli

Development of technology for obtaining bitumen on the basis of local
secondary raw materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИККИМЁ ИНСТИТУТИ

САЙДАХМЕДОВ ЭЛЁРБЕК ЭГАМБЕРДИ ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ АСОСИДА БИТУМ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори диссертацияси (PhD)мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т231рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидов Босит Набиевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юнусов Мираҳмад Пулатович

техника фанлари доктори, профессор

Исматов Дилмурод Нуриддинович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.04.01 рақамли Илмий кенгаш«___»_____2018йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Г.Р. Раҳманбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефть битумларни улуши нефтни қайта ишлаш тайёр маҳсулотлари умумий ҳажмининг 3-4%ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлиб, битумга бўлган жаҳондаги талаб 2020 йилга 120 млн тоннадан ортади. «Нефть битумларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш хомашё ресурсларини максимал даражада жалб қилиш, самарали модификацияланган битумли боғловчиларни ишлаб чиқариш билан амалга оширилмоқда»¹.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида нефть битумларини замонавий усул ва технологияларини яратиб нефть битумларини олишда оксидлаш хомашёсининг таркибини оптимизациялаш орқали битумларни ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу соҳада нефтни қайта ишлаш жараёнларини иккиламчи қолдиқ маҳсулотларидан фойдаланиб, турли мақсадларда ишлатиладиган нефть битумларини олиш, полимер ва бошқа турли модификаторлардан фойдаланиб физик-механикавий ҳоссалари яхшилانган модификацияланган нефть битумларини олиш, янги муқобил хомашёлар турларидан фойдаланиб нефть битумларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш каби долзарб илмий тадқиқотларга йўналтирилган.

Республикамизда нефть битумларини ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, уларни сифатини яхшилаш борасида, битумларни олишда муқобил энергия ресурсларидан фойдаланиш йулга қуйилди. Бу борада, озиқ-овқат саноати иккаламчи маҳсулоти бўлган госсиполдан битумли боғловчиларни ишлаб чиқариш, республикамизнинг Сурхандарье минтақасидаги мавжуд оғир нефтлардан сифатли нефть битумларини олиш усул ва технологияларини ишлаб чиқилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «махаллий хомашё ва иккаламчи ресурслардан сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада жумладан, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб юқори сифатли нефть битумларини олиш технологиясини яратишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сон «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизация ва диверсификациялаштириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва Ўзбекистон

¹<http://www.oilcapital.ru>. Информационный ресурс OilCapital.ru

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4749-сон Фармони

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон «Ишлаб чиқариш сарфларини қисқартириш ва таннарҳини камайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Битум ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жараёнларни интенсификация қилиш, технологияларини яратиш ва замонавий битум композицияларини яратиш бўйича F. Nellensteyn, A. Ludwig, J.E. Dooley, C.J. Thompson, J.P. Pfeiffer, Ребиндер П.А., Ф.Б.Унгер, И.Б. Грудникова, Д.А. Розенталь, Р.Б. Гун, А.А.Гуреев, И.М.Руденская, Л.М. Гохман, А.С. Колбановская, З.И. Сюняев, С.С. Негматов, Б.Н. Хамидов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Нефть битумларни олишда оксидлаш хомашёси таркибининг оптимизациялаш орқали оксидланиш жараёнини жадаллаштириш, оксидланган ёки қолдиқ битумлар билан турли нефть қолдиқларини аралаштириб тайёр битумларни олиш, нефтьбитумларни турли кўшимчалар билан модификация қилиш орқали битум боғловчиларни сифат кўрсаткичларини ошириш технологиялари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Шу билан бирга, нефтни қайта ишлашнинг юқори ароматизацияланган иккаламчи оғир маҳсулотларини оксидланиш хомашёси ва аралашма битумлар компонентлари сифатида ишлатиб нефть битумларини олиш технологиясини яратиш, уларни хомашёни оксидланиш жараёнини кўрсаткичларига ва олинаётган битумларни хоссаларига таъсирини ўрганиш ҳамда ёнувчи сланецлар смолаларини янги муқобил манба сифатида ишлатиб нефть битумларини олишхажмини кўпайтириш ва хоссаларини яхшилаш долзарб муаммо бўлиб, илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг иш бажарилган илмий-тадқиқотмуассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 09-4-сон «Нефтни қайта ишлаш жараёни қолдиқ маҳсулотларни кўшиш орқали ёнувчи сланецлар смолаларидан турли маҳсулотлар миқдорини ошириш» ва 16-9-сон «Хомашё таркибини такомиллаштириб битумлар сифатини яхшилаш» (2016-2017) мавзусидаги хўжалик шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть оғир қолдиқлари ва ёнувчи сланецларнинг смолалари асосида турли мақсадли нефть битумларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефтьбитумларини олиш жараёнининг самарадорлигига нефть битумларни асосий физик-механикавий хоссаларига оксидланиш жараёни хомашёси таркибининг таъсирини аниқлаш;

аралаш битумларни олиш технологиясини ишлаб чиқишга тайёр битум маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнида турли қўшимчалар қўшиш, модификацияловчи қўшимчалар танлашнинг асосий мезонларини аниқлаш ва қўшимчалар табиатини нефть битумлари физика-механикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

маҳаллий хомашё манбалари, нефтни қайта ишлаш жараёни оғир қолдиқлари асосида самарали қўшимчалар яратиш;

ёнувчи сланецларни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида битумлар олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқот объекти нефтни қайта ишлаш жараёни оғир қолдиқлари асфальт, қолдиқ экстракт, нефть битумларини олиш учун муқобил хомашё манбаи ёнувчи сланецлар смолаларини қолдиқлари.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашё асосида турли мақсадларда қўлланиладиган сифати яхшилانган нефть битумлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида нефть маҳсулотлари, сланец смолалари, углеводород хомашёсини таҳлилида физик-кимёвий таҳлил усуллари ИК-спектроскопия, потенциометрия, фотоколориметрия, хроматография ва бошқалар, нефть битумларни олиш ва асосий физик-механикавий хоссаларини таҳлил қилиш лаборатория ускуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

оксидлаш гудронини чуқур оксидлаб юмшалиш ҳарорати 61°С дан 74°С гача оширилганда нефть битумларининг таркибида оксидланмаган компонентларни – асфальт ва қолдиқ экстракт ҳиссасини қарийб икки баробарга кўпайиши ва нефть битумларини иссиққа чидамлилиқ ва эскириш кўрсаткичларини, шунингдек пенетрацияси 10% гача яхшиланиши аниқланган;

таркибида юқори даражадаги (80% дан кўп) ароматик бирикмалар билан тавсифланган сланец смолаларнинг оғир қолдиқ фракцияларининг модификацион таъсирга эгаллиги ва нефть битумларининг чўзилувчанлиқ ҳамда мўртлиқ ҳарорати ошиши исботланган;

қолдиқ экстрактни 5–10% миқдорда оксидланиш хомашёсига қўшилиши оксидланиш жараёнининг самарасини ошириб, оксидланиш вақтини нисбатан 20% га камайтириб, термооксидлаб эскириш жараёнларига юқори барқарорлиқ ва бошқа хоссалари яхшиланган йўл битумларни олиниши аниқланган;

қолдиқ экстрактни оксидланиш хомашёсига қўшиб нефть битумларини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

битум ишлаб чиқариш хом ашёсига қолдиқ экстрактларини қўшиш самарадорлиги кўрсатилган, бунда таркибида 10 % гача экстрактлар бўлган

нефть йўл-битумлари меъерий ҳужжатлар талабларига жавоб беришида ва битумнинг игна кириш чуқурлиги, иссиққа чидамлилиги ва юмшалиш ҳарорати кўрсаткичларини яхшиланиши кўрсатилган;

чуқур оксидланган битумнинг оксидланган компоненти сифатида ишлатиш билан нефть битумларини олиш, шунингдек нефть битумларини ишлаб чиқиш учун сланец смолаларини ҳайдашдан ҳосил бўлган қолдиқлардан муқобил компонент сифатида фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий физика-кимёвий анализ усулларида фойдаланган ҳолда олиб борилганлиги, ҳамда нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, нефть битумларини олиш жараёнининг технологик тамойиллари шакллантирилган, уларнинг негизида нефтни қайта ишлаш жараёнининг иккиламчи маҳсулотлари ва ноанъанавий муқобил хомашё турлари – ёнувчи сланецлар смолаларининг оғир қолдиқларидан фойдаланган ҳолда нефть битумларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва термооксидлаш жараёнини хомашё хоссаларини йўналтириб бошқариш орқали мақсадли битум ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини олиш босқичида аралаштириш, ҳамда турли кўшимчалар қўшиш технологияларидан фойдаланиб битумларни самарали модификация қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори-ароматизацияланган қолдиқ экстрактни ҳамда ёнувчи сланецлардан ажратиб олинган сланец смолаларини ҳайдашдан ҳосил бўлган қолдиқларни нефть битумларини олишда компонент сифатида ишлатиб юқори сифатли нефть битумларини олиш технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть қолдиқларидан оксидланиш компоненти сифатида фойдаланган ҳолда нефть битумларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

оксидланиш хомашёга қолдиқ экстрактни қўшиб нефть битумини ишлаб чиқариш технологик регламенти «Узбекнефтегаз» МХК тармоқ стандарти 6.3.1 бандига асосан (TSt39.0-014:2007) «Фарғона НКЗ» МЧЖ томонидан тасдиқланган (TR-05767930-010-2015). Натижада қолдиқ экстрактлари нефть битумларини ишлаб чиқариш учун кўшимча манбалар сифатида ишлатиш имконини берган;

оксидланиш хомашёси оптимал таркиби яратилган ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Фарғона НКЗ» МЧЖнинг 2018 йил 31 январдаги 02/2-23-сон маълумотномаси). Натижада нефть битумларини олиш жараёнида асфальт ва қолдиқ экстрактни қўшиш имконини берган;

яратилган оксидланадиган хомашёга мойларни селектив тозалаш жараёни қолдиқ экстрактини қўшиб нефть йўл-битумларини олиш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида жорий қилинган

(«Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2017 йил 24 ноябрдаги 02/12-2-185-сон маълумотномаси). Натижада нефть битумини олиш ҳажмини 10 % га ошириш ва нефть битумининг сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефть битумларини олиш илмий технологик асослари**» деб номланган биринчи бобида битумлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати шарҳи, уларнинг хоссаларига бўлган талабларнинг ўзгариш тенденциялари келтирилган. Ушбу масалани таҳлили шуни кўрсатдики, нефть битумларига бўлган талабнинг ўсиш тенденцияси сақланиб турган шароитда, республиканинг маҳаллий хомашё ресурслари асосида нефть битумлари ресурсларини кенгайтиришга қаратилган тадқиқот ишлари долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада нефтни қайта ишлашдаги турли оғир нефть қолдиқларини оксидланиш жараёнининг самарасини ошириш ва аралаштириш билан товар битумини олишда муҳим компонентлар сифатида ишлатилиши кўрсатиб берилган.

Нефть ва нефть маҳсулотлари тўғрисидаги коллоид-кимёвий қарашлар назарий асослари берилган, нефть битумларини ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштиришда ва хоссаларини бошқарилишида уларнинг роли кўрсатилган. Нефть битумларини ишлаб чиқарилишида хомашё учун муқобил манба сифатида ёнувчи сланецлар смолаларини ишлатилишининг истиқболлилиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Нефть битумларни ишлаб чиқиш учун компонентлар танлаш ва олиш асослари**» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган объектларнинг физик-кимёвий тавсифлари ва тадқиқотлар

усуллари берилган. Объектлар сифатида нефть хомашёсини қайта ишлаш жараёнининг нефтьқолдиқлари, оксидланган ва чуқур оксидланган битумлар, республика ёнувчи сланецлар смолалари ўрганилган. Битум ишлаб чиқариш жараёни хомашёси ва қўшилмаларни танлаб олиш принциплари асосланиб берилган. Хомашёни оксидланиш жараёнини ўрганиш экспериментал ускунасини, битумларни аралаштириш ускунасини, ёнувчи сланецлардан смолаларни ажратиб олиш экспериментал ускунаси ва усулини таърифи берилган.

Диссертациянинг «**Нефтни қайта ишлаш иккаламчи маҳсулотлари нефть битумларни хомашё манбаларини ва хоссаларини яхшилаш учун қўшимча компонентлари**» деб номланган учинчи бобида оксидланадиган хомашёни тайёрланишини хусусиятларива уни нефть битумларини чиқиш миқдорига ва хоссаларига бўлган таъсири ўрганилган, нефть битумларини нефтни қайта ишлаш қолдиқ маҳсулотларини қўшиб олиш усули бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, хоссалари яхшилانган битумларни ишлаб чиқаришни таъминлаб берадиган оксидланиш ва аралаштириш жараёнларини самарасини ошириш мақсадида оксидланиш аралашмалари хомашё таркибинини оптимизация қилиш принциплари таъриф қилинган.

Ҳозирги вақтда Фарғона НҚИЗ шароитида оксидланиш хомашёси сифатида гудрони шлатилади. Айрим ҳолларда, гудронни деасфальтациясида ҳосил бўладиган асфальт қисман назоратсиз оксидланиш хомашёсига ёки оксидланган битумга қўшилади. Лекин уни ишлатишдан нефть қолдиқлари ва битумлардаги ўзига хос ўзгариш хусусиятларини нефть дисперсион тизимларига ҳос равишда эътиборга олинмайди.

Адабиёт маълумотларини таҳлили, нефть қолдиқлари ёрдамида фаоллаштирилиб дисперсион муҳитни эритувчанлик кучини ўзгартириб гудронларни оксидланиш жараёнини интенсификациялаш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Фарғона НҚИЗ асфальти структура ҳосил қиладиган компонентлар - смола-асфальтенлар моддалари миқдори юқорилиги - 52,7% тенг, улардан асфальтенлар 21,2%, парафин-нафтенли углеводородлар (3,5%) миқдори камлиги билан характерланади, яъни гудрон таркибидан анча фарқланади. Бу аралашмалари хомашёни кимёвий таркибинини ўзгартириб йуналтирилишини имконини яратиб беради. Шунинг учун Фарғона НҚИЗ гудрони ва асфальтинини турли нисбатларда оксидланиш жараёнини тадқиқот қилиш, уларни оксидланиш жараёнини кўрсаткичларига ва олинаётган битумларни асосий хоссаларига таъсирини баҳолаш илмий қизиқиш ўйғотди.

Қўйилган вазифага биноан оксидланадиган гудронга 15% гача асфальт қўшилди. Хомашё аралашмасини тайёрлаш 120-130°С ва аралаштириш вақти 20 минут мобайнида амалга оширилди (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, гудронга асфальт қўшилиши оксидланиш жараёнининг айрим кўрсаткичларини ва олинаётган оксидланган битумларнинг асосий хоссаларини ўзгаришига олиб келмоқда. Олинаётган оксидланган битумлар фақат гудрондан олинган битумга нисбатан физик-

механикавий хоссалари бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Оксидланиш

Жадвал 1

Асфальт кўшилган гудронни оксилантириб олинган БНД 60/90йўл битуминингасосий кўрсаткичлари ва хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	Оксидланиш хомашёдагиасфальт миқдори, %			
			0	5	10	15
1.	Игнани кириш чуқурлиги, 0,1мм:25°С да 0°С да	61-90 камида 20	81 21	78 21	76 20	73 18
2.	Чўзилувчанлик, см: 25°Сда 0°Сда	камида55ками да3,5	58 3,9	60 4,4	56 5,1	51 4,5
3.	Юмшалиш ҳарорати, °С	камида47	49	50	51	50
4.	Мўртлик ҳарорати, °С	-15данкўп эмас	-20	-18	-16	-13
5.	Пластиклик оралиғи, °С	-	69	68	67	63
6.	Структуракоэффициенти	-	1,19	1,13	1,19	1,23
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгариши, °С	5 дан кўп эмас	4,5	2	3	4
8.	Олтингугурт миқдори, %	-	2,2	2,7	2,9	3,1
9.	Оксидланиш вақти, соат	-	10	9	10	12
10.	Газлар вайўқотишлар йиғиндиси, %	-	2,8	2,9	3,1	3,5

хомашёсига 10% асфальт кўшилиши пенетрация кўрсаткичи яхшиланган характеристикали битумларни олишига олиб келиши кўрсатилган. Битумлар юқори қаттиқлилик ва мустаҳкамлик билан характерланади.

Битумни чузилчанлиги 5% асфальт кўшилганда 58 тенг қийматдан 60 см гача ўсмоқда, сўнг бу кўрсаткични пасайиши кўзатилмоқда, асфальтни миқдори 15% ни ташкил этганда битум стандарт талабларига жавоб бермай қолмоқда. Яъни, бу кўрсаткич оксидлаш хомашёсидаги асфальтни максимал миқдорини аниқлаш критерийси бўлиб ишлатилиши мумкин, ушбу хомашё таркиби учун асфальтни хомашёдаги максимал миқдори 10% гачани ташкил этади. Асфальтни хомашё таркибидаги максимал миқдорини аниқлашнинг бошқа критерийси сифатида мўртлик ҳарорати кўрсаткичини ишлатиш мумкин, у асфальт кўшилганда ёмонлашмоқда, асфальтни концентрацияси 15% га тенг бўлганда эса мўртлик ҳарорати кўрсаткичини қиймати меъёрий ҳужжатга нисбатан камайиб қолмоқда. Оксидланган битумнинг пенетрацияси асфальтни миқдоридан ўсмоқда, бу эса шубҳасиз оксидланишда

асфальтенларни кўпроқ ҳосил бўлиши билан боғлиқдир.

Амалга оширилган тадқиқот асосида Фарғона НКИЗ битум ишлаб чиқариш жарёнида потенциал кўшимча компонентлари сифатида мойларни

фенол билан селектив тозалаш жараёнини қолдиқ экстрактларини ишлатилиш мумкинлиги аниқланди (2-жадвал).

Қолдиқ экстрактини гуруҳ кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар номи	Қиймати
Нафтен углеводородлари	
Миқдори, %	8,1
20 °С даги зичлик, кг/м ³	884,6
Рефрактив индексин ²⁰ _D	1,4842
100 °С даги қовишқоқлик, 10 ⁻⁶ м ² /с	13,74
қовишқоқликиндекси	97
Ароматик углеводородлари	
Миқдори, %	74,2
20 °С даги зичлик, кг/м ³	998,2
Рефрактив индексин ²⁰ _D	1,5830
100 °С даги қовишқоқлик, 10 ⁻⁶ м ² /с	168,6
Спирт-бензол арашмаси билан десорбция қилинган смолалар	
Миқдори, %	10,9
20 °С даги зичлик, кг/м ³	1018,9
Парафин углеводородлари	
Миқдори, %	6,8
Эриш харорати, °С	58,6

Жадвалдан кўришиб турибди, қолдиқ экстракт таркибини асосий қисмини ароматик углеводородлар (74 % дан кўпроқ) ва смолалар (10% дан кўпроқ) ташкил қилади. Маълумки, бу бирикмалар гуруҳлари термооксидланиш жараёнида асфальтенлар ва смолаларни ҳосил қилувчи манбаларидир. Шунинг учун, олинган натижалар кўрсатганидек, экстрактлар шубҳасиз оксидланиш хомашёсини муҳим ва исталган компоненти ёки аралаштириш билан товар нефть битумларини олиш жараёнини қўшимча компонентиدير.

Бундан келиб чиқиб, қолдиқ экстрактни оксидланиш хомашё таркибида ҳамда битумларга хоссаларини бошқариб ўзгартириш учун қўшимча сифатида ишлатиш мумкинлиги ўрганилди. Қўйилган вазифага биноан гудронга 15% гача миқдорда қолдиқ экстракт қўшилди (3-жадвал).

3-жадвалдан кўришиб турибдики, қолдиқ битумларни даслабки гудронга қўшилиши оксидланиш жараёнини ва олинаётган оксидланган битумларнинг асосий хоссаларини айрим кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келмоқда. Олинаётган оксидланган битумлар фақат гудрондан олинган битумга нисбатан юқори физика-механик хоссалари кўрсаткичларига эга. Экстракт қўшилиб олинган оксидланган битумларни асосий стандарт хоссаларни ўрганиш, оксидланиш хомашёсига қолдиқ экстрактнинг 5 % қўшилиши хоссалари яхшиланган битумларни олишини таъминлашини кўрсатди. Оксидланган битумни чўзилувчанлиги ўсиши кузатилди.

Қолдиқ экстракт қўшилган гудрондан олинган оксидланган битумни пенетрацияси бироз пасаймоқда, бу шубҳасиз оксидланишда асфальтенларни

Экстракт кўшилган гудронди оксидлаш жараёнини ва олинган оксидланган битумларни физика-механикавий хоссаларини асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90 БНД 60/90 учун	Оксидланиш гудрондаги экстрактнинг миқдори, %			
			0	5	10	15
1.	Игнани кириш чуқурлиги, 0,1мм: 25 °С да 0 °С да	61-90 камида 20	81 21	80 21	77 20	68 17
2.	Чўзилувчанлик, см: 25 °С да 0 °С да	камида 55 камида 3,5	58 3,9	59 4,2	62 4,3	65 4,1
3.	Юмшалиш ҳарорати, °С	камида 47	49	52	53	55
4.	Мўртлик ҳарорати, °С	-15 дан кўп эмас	-20	-23	-25	-27
5.	Пластиклик оралиғи, °С	-	69	75	78	82
6.	Структуракоэффициенти	-	1,19	1,27	1,26	1,49
7.	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгарилиши, °С	5 дан кўп эмас	4,5	2	3	4
8.	Олтингугурт миқдори, %	-	2,2	2,3	2,4	2,4
9.	Оксидланиш вақти, соат	-	10	8	9	9
10.	Газлар вайқотишлар йиғиндиси, %	-	2,8	2,4	3,0	3,1

камроқ хосил бўлиши билан боғлиқдир. Бунда 15% экстракт кўшилганда оксидланган битумни 0°С даги пенетрация кўрсаткичи стандарт талабларига нисбатан камайиб қолмоқда. Юмшалиш ҳарорати экстракт кўшилишидан айрим миқдорда ошиш тенденцияга эга. Мўртлик ҳарорати кўрсаткичи хомашёда экстрактни миқдори 15 % бўлганда оксидланган махсулотни мўртлик ҳарорати кўрсаткичи 7°С га пасаяди, бу оксидланган битумларни пастҳароратлик хоссаларини сезиларли яхшиланишини билдиради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, хомашё намуналарида қолдиқ экстрактни миқдори 5 % га тенг бўлганда оксидланиш вақти 2 соатга яъни 10 соатдан 8 соатгача камаймоқда. Бу, юқорида айтиб ўтилган миқдордаги экстракт оксидланиш жараёнининг самарасини ошириб, яъни оксидланиш интенсивлигини нисбатан 20 % га ошишини таъминлаб берганлигини билдиради.

Шундай қилиб, қолдиқ экстракти гудрон таркибига 10% гача кўшилгандахомашёни парафин-нафтенлар углеводородларни миқдори 20% атрофида, ароматик углеводородлар 46 % дан кам бўлмаган, смолалар 25 % дан кам бўлмаган ва асфальтенлар 8,5 % дан кўп бўлмаган миқдорлари билан характерланадиган оптимал таркиби таъминланади, бу эса оксидланган битумларини олиш миқдорини 2 % га кўпайишини таъминлаб беради -

бундай хомашёдан битум чиқиши, экстракт қўшилмаган гудронди оксидланишида 95 % га тенг бўлган чиқишидан фарқлироқ, 97 % ни ташкил қилди. Гудрон - қолдиқ экстракт тизими учун таклиф қилинган оксидланиш хомашё рецептураси битумларнинг қўшимча ресурсларини олиш билан бирга уларни 25°C ва 0°C даги чузилувчанлик хоссаларини яхшилашга олиб келади ва иссиққа-чидамлик ва пастҳароратли хоссаларини юқори кўрсаткичларини таъминлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Оғир нефть қолдиқларини нефть битумларнинг хоссаларини йўлланган бошқарувини таъминлаш учун қўшимчалар сифатида ишлатиш**» деб номланган тўртинчи бобда оғир нефть қолдиқларини оксидланган битумларни таркибига қўшиш йўли билан нефть битумларини олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълумки, оксидланган битумлар қолдиқ битумга нисбатан структуравий ўзгаришларга кўпроқ мойил, шубҳасиз, бу уларни олиш технологиясига боғлиқдир. Гудронни оксидланган маҳсулотларини асосий қисмини битумларда структуравий ўзгаришни келтирадиганоралик беқарор бирикмалар (ассоциатлар) ташкил этади, улар барқарор моддалар - молекулалар орасидаги турли табиатли ўзаро таъсири хисобигабоғланган ассоциатларниҳосил бўлишига олиб келади.Ушбу бирикмаларни борлиги олинаётган битумларни термооксидланиш барқарорлиги пасайишига олиб келади. Нефть қолдиқлари оксидланган битумлардан фарқлироқ термооксидланиш барқарорлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Шунинг учун, нефть қолдиқлари билан аралаштириб олинadиган нефтьбитумларини таркибида оксидланмаган компонентларни миқдорини кўпайтиришга қаратилган шароитларни ишлаб чиқиш муҳим бўлибҳисобланади.

Ушбуларни ҳисобга олиб,қолдиқ экстрактларни товар битумларига қўшиш бўйича тадқиқот ўтказилди. Модификациялаш 1; 5; 10% миқдордаги қолдиқ экстрактни (модификатор) суюқлантирилган битумга қўшиш орқали амалга оширилди. Аралаш нефть битумларини тайёрлаш 135-140°C хароратдава пропеллерли аралаштиргичда 500 айл./мин тезликда амалга оширилди, аралаштириш вақти 30 дақиқа(4-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, модификатор қўшилиши битумни деярли барча сифат кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келади. Йўл қоламасини интенсив ёрилишини бошланадиган вақтини ифодалайдиган нефть битумининг мўртлик ҳарорати кўрсаткичини яхшиланиши муҳим бўлиб ҳисобланади, бу йўл қоламаларини кўпга чидамлилигини яхшиланишитўғрисида далолатдир. Шўнда, юмшалиш ҳарорати деярли ўзгармай қолган ҳолда, битумнинг пенетрация кўрсаткичи бироз ошмоқда, ушбу битумни иссиққа чидамлик кўрсаткичини яхшиланишидан далолатдир, ҳалқа ва шар усули билан аниқланадиган юмшалиш ҳарорати кўрсаткичи орқали эса

йўл-битумини таркибидаги модификаторни максимал миқдори - 5 % дан кўп йўл-битумини таркибидаги модификаторни максимал миқдори - 5 % дан кўп эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. БНП маркали шимдириладиган битумнинг хоссаларига қолдиқ экстрактни таъсирини ўрганиш бўйича

аналогик тадқиқотлар олиб борилди (5-жадвал).

Жадвал 4

Қолдиқ экстракти билан модификацияланган БНД 60/90 йўл-битумининг асосий физико-механикавий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	ГОСТ 22245-90	Битумлар намуналари			
			даст- лабки	қолдиқ экстрактнинг миқдори, %		
				1%	5%	10%
1	Игнани кириш чуқурлиги, 0,1 мм: 25°C да 0°C да	61-90 камида 20	81	86	89	93
			21	22	24	27
2	Юмшалиш ҳарорати, °C	камида 47	49	51	49	44
3	25 °C даги 0°C даги чузилув- чанлик, см,	камида 55 камида 3,5	58	65	68	61
			5,3	5,4	5,2	4,9
4	Мўртлик ҳарорати, °C	-15 дан юқори эмас	-20	-22	-25	-27
5	Чакнаш ҳарорати, °C,	камида 230	245	243	240	236
6	Қиздиришдан сўнг юмшалиш ҳароратини ўзгартилиши, °C	5	4,5	3	2	3

Жадвал 5

Қолдиқ экстракт билан модификация қилинган нефтьшимдириладиган БНП битумини асосий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	TSh 39. 3-149- 2006 №1 ўзг. билан	Шимдириладиган битумлардаги қолдиқ экстрактнинг миқдори, %			
			0	1	5	10
			1.	25 °C даги игна кириш чуқурлиги, 0,1 мм	140-220	145
2.	Юмшалиш ҳарорати, °C	38-50	42	43	45	38
3.	Қиздиришдан сўнг 25 °C даги игна кириш чуқурлиги, дастлаб қийматга нисбатан % да	камида 65	85	87	83	81
4.	Чакнаш ҳарорати, °C	камида 250	263	261	259	257

Юқори экономик кўрсаткичларни ва умумий харажатларни камайтиришни таъминлаб берадиган самарали йўллардан бири, юқори юмшалиш ҳароратли битумни олиб, уни кейинчалик оксидланмаган нефть қолдиқлари билан аралаштиришдир.

Тадқиқот объектлари сифатида чуқур оксидланган битум намунаси танланди, аралаштириш учун компонентлар сифатида тадқиқот қилинган қолдиқ экстракт ва асфальт қўлланилди. Аралаштириш жараёни

олинаётганаралашмаларни юмшалиш ҳарорати ГОСТ 22245-90 га биноан 47°C га (БНД 60/90) етгунча олиб борилди (6-жадвал).

Жадвалб

Чуқур оксидланган битумни ва уни қолдиқ экстракт,асфальт билан аралашмаларини асосий сифат кўрсаткичлари

Оксидланган битумни юмшалиш ҳарорати, °С	Нефть қолдиқлар миқдори, %	Ҳарорати, °С		Пенетрация, х 0,1мм		Қиздиришдан сўнг мас-сайўко-тиш, %	Юмшалиш ҳароратини қиздиришдан сўнг ўзгариши, °С
		юмшалиш	мўртлик	25°С да	0°С да		
Қолдиқ–қолдиқ экстракти							
48	0	48	-17	68	20	0,31	2,0
61	13,0	49	-19,0	71	25	0,35	2,1
74	25,3	48	-20,5	74	28	0,41	1,6
82	31,0	49	-19,7	79	35	0,43	2,1
95	37,7	49	-18,1	85	37	0,51	2,5
Қолдиқ–асфальт							
61	4,7	49	-17,0	67	20	0,29	1,8
74	9,8	49	-16,5	62	21	0,27	1,6
82	15,1	49	-15,0	64	22	0,25	1,7
95	22,7	48	-14,1	65	21	0,24	2,1

Жадвалдан кўриниб турибди, битумларни чуқур оксидланиши товар битумларини таркибида қолдиқ маҳсулотларни оксидланмаган компонентларини миқдорини кўпайишини келтириб чиқармоқда. Шундай қилиб, битумни чуқур оксидланиш орқали юмшалиш ҳароратини 61°C дан 74°C гача ошириш товар маҳсулотни таркибидаги оксидланмаган оғир қолдиқларни миқдорини деярли 2 баробарга кўпайтириш имконини берди. Бунда битумни муҳим бўлган пенетрация кўрсаткичи 10%га яхшиланди.

Демак, юмшалиш ҳарорати 95°C гача бўлган ораликда оксидланган битумларда сезиларли даражадаги молекулалараро таъсир кучларини ортиши, дисперс фазани зарраларининг ўлчамларини ва пластиклик хоссаларни кам ўзгарганлиги билан характерланади. Биз томондан чуқур оксидланган битумлар ва тўғридан-тўғри олинган нефть қолдиқлари асосида аралашма битумлар композицияларини олиш жараёнида чуқур оксидланган компонент сифатида юмшалиш ҳарорати юқорида кўрсатиб ўтилган диапазонга мос келадиган битумдан фойдаланиш бўйича тавсия берилди.

Шундай қилиб, оксидланадиган хомашёни компонент таркибини йўналтириб бошқарилиши, аралаштириш учун компонентларни тўғри танлашни кўзда тутган илмий ёндашиш оксидлаш жараёнини жадаллаштириб, ишлаб чиқаришни 10-15% гача кўпайтириш ва физико-механикавий хоссалари яхшиланган битумларини олиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Ёнувчи сланецлар смоласи нефть битумларини ресурсларини кенгайтиришдаги муқобил ноанаънавий хомашё**» деб номланган бешинчи бобида ёнувчи сланецлардан юқори ҳароратли пиролизи

билан олинган смолаларни қайта ишлаш жараёнини, унда смолаларни ҳайдашдан олинган қолдиғини битумни ишлаб чиқаришда қўшимча муқобил компоненти сифатида ишлатиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида «Сангрунтау» конининг ёнувчи сланецлари танлаб олинди. Ёнувчисланецларни пиролизи лаборатория ускунасида хавосиз шароитда 550°C хароратгача қиздириб, унуми қуруқ массага нисбатан 9% га тенг бўлган сланец смоласини олиб, амалга оширилди (7-жадвал).

Жадвал 7

Сланец смолаларини асосий физика-кимёвий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	Қиймати
1.	20 °C даги зичлик, кг/м ³	947
2.	Сув миқдори, % (эркин) (бирикма)	6,0 0,3
3.	Олтингугурт миқдори, %	4,17
4.	Сероводород миқдори, %	3,4
5.	Механик аралашмалар, %	0,1
6.	Хлорли тузлар миқдори, мг/л	171,4
7.	Чакнаш ҳарорати, °C	68
8.	Музлаш ҳарорати, °C	минус 26 дан паст
9.	50 °C даги кинематик қовушқоқлик, сСт	3,27
10.	Тўйинган буғ босими, мм.рт.ст.	117
11.	Фракцион таркиби, °C: ҳайдалиш бошланиши ҳарорати 86% ни ҳайдалиш ҳарорати, °C қолдиқ, %	75 306 12,0

Сланец смоласи қолдиғи (360°C дан юқори) таркибини ўрганиш, унда асфальтенлар 14,8% миқдорда борлигини кўрсатди, бу эса дастлабки смолани нисбатан деярли 5 мартага кўп, смолали моддаларни миқдори 29,3% ни, ташкил қилди. Смоладаги мойлар миқдори 55,81%, парафинлар - 0,1% ни ташкил қилди. Сланец смолалари қолдиқларини битумдаги миқдори 1, 3 и 5% ни ташкил қилди (8-жадвал).

Тақдим қилинган маълумотлардан кўриниб турганидек, битумга сланец смоласини қолдиғини 5 % гача қўшилиши барча структурани қайта қурилишига олиб келяпти, бу эса ўз йўлида битумни хоссаларига таъсирини кўрсатяпти. Нефть битумининг игна кириш чуқурлиги каби муҳим кўрсаткичи ўсмоқда. Чўзилувчанлик кўрсаткич экстремал равишда ўзгармоқда ва смолани қолдиғи 3 % миқдорда қўшилганда кўрсаткич максимал қийматни - 112 см ни ташкил қилиб, сўнг пасаймоқда. Мўртлик ҳарорати смолани қолдиғи қўшилишидан сезиларли даражада пасаймоқда, модификацияланган битумни пастҳароратли хоссаларини яхшиланиш самараси 8 °C ни ташкил қилмоқда. Бу эса, битумли нефть тизимини дисперсион муҳитини ароматик бирикмаларни улуши кўпайиши ҳисобига эритувчанлик қобилиятини ортиши билан ифодаланади.

Жадвал 8

Сланец смолаларини қолдиғи миқдоридан БНД 40/60 нефть йул-битумларининг асосий физико-механикавий хоссаларини ўзгариши

Кўрсаткичлар номи	БНД 40/60 битумида сланец смолаларини қолдиғини миқдори, %			
	0	1	3	5
Игнани кириш чуқурлиги, 0,1мм: 25 °С да 0 °С да	47 17	48 19	50 22	54 24
Чўзилувчанлик, см:25 °С да 0 °С да	100 5,2	108 5,9	112 6,5	102 5,7
Юмшалиш ҳарорати, °С	54	54	52	51
Мўртлик ҳарорати, °С	-17	-19	-22	-25
Пластиклик оралиғи, °С	71	73	74	76
Структуракоэффиенти	0,71	0,74	0,76	0,78
Пенетрация индекси	-0,98	-0,3	-0,6	-0,7
Қизитилишдан сунг масса юқотилиши, %	2	2	2	3


Сланец смоласини қолдиғини 5% миқдорда битумларга қўшилиши пластификациялаш таъсирини келтирмоқда, шу вақтни ўзида деформациялаш хоссаларини ҳам такоминлаштирмоқда. Бу пластиклик интервали кўрсаткичини дастлабки битум учун 71 дан, смола қолдиғи қўшилган битуми учун 76 пунктга тенг бўлиб яхшиланганлиги билан тасдиқланяпти.

Шуни айтиб ўтиш керакки, битумнинг юмшалиш ҳарорати кўрсаткичи смола қолдиғини қўшилиши оқибатида пасайиш тенденциясига эга, 5 % қолдиқ қўшилганда ушбу кўрсаткич 3°С га пасаймоқда. Бироқ бу кўрсаткични қиймати амалдаги стандарт талабларига мос келади, унда қиймат 47°С дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Нефть битумларини қолдиқ экстракт қўшиб олишнинг ишлаб чиқилган принципаал технологик схемаси 1-расмда келтирилган.

Схемага асосан қолдиқ экстракт Е-1 сифимидан хомашё линиясига узатилади, гудрон ва асфальт билан аралашма сифатида қўшилиб П-1 технологик печ орқали ҳайдалади, унда 250°С даражагача қиздирилади, сўнгра П-2 печидан ҳайдалиб, 300°С даражагача қиздирилиб К-1а оксидланиш колоннасига узатилади, у ерда нефть битумларини олиш учун таклиф қилинган схема бўйича оксидланишга учрайди. Ушбу схемага асосан сланец смоласини қолдиғини қабул қилиш ва оксидланган битумига дозалашнинг алоҳида узели назарда тутилган. Хомашё сарфи Н-1,2 ва Н-4,4а хомашё насослари билан тартибга солинади.

Хомашё аралашмаси К-1а колоннасини юқори қисмида ўрнатилганаралаштириш узелига узатилади, у ерда К-1а колоннасидан чиқаётган газсуюқлик аралашма билан қўшилади. Хосил бўлган газсуюқлик аралашма аралаштиргичдан сўнг К-1,2 сепараторига узатилади, икки фазага



П-1,2 -технологик печлар, К-1а - оксидланиш колоннаси, Е-1,10,11,12,13 - сиғимлар, Н-1,2 ва Н-4,4а - хомашё насослари, К-1,2 ва КС - сепараторлар, К-3 - тарқатувчи куб

Расм 1. Нефтьбитумларини Фархона НКИЗ оғир нефть қолдиқлари, ёнувчи сланецларни смолаларини ҳайдашидан олинган қолдиғини қўшиш билан олишини принципиал технологик схемаси.

ажратилади, суюқ фаза К-1,2 кубни пастки қисмидан Н-4 насоси билан К-1а оксидланиш колоннасини юқори қисмига узатилади. Колоннани паст қисмига сиқилган хаво берилади.К-1а колоннасини паст қисмидан тўхтовсиз оксидланган битум чиқарилади ва таклиф қилинган модификаторлар - оғир нефть қолдиқлари ва сланец смолаларини ҳайдашдаги қолдиғи билан аралаштирилади.Модификаторлар Е-11,12,13 тааллуқли сиғимларда йиғилади ва ҳисоб-китоб қилинган миқдорда битумни тайёрлашга узатилади. Сўнг оксидланган битумни модификаторлар билан бўлган аралашмаси К-3 тарқатувчи кубга паспортизация қилиш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юклаш учун йўналтирилади.

Гудронни мойларнинг селектив тозалаш жараёни қолдиқ экстракти билан бўлган аралашмасини оксидлантириш орқали нефть битумларни ишлаб чиқариш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида жорий қилиниши хоссалари яхшиланган битумларни қўшимча ресурсларини олишини таъминлаб берди.Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида оксидланиш хомашёсига мойларни селектив тозалаш жараёнини қолдиқ экстрактини қўшиб нефть йўл-битумларни олиш технологиясини жорий қилишдан кутилаётган иқтисодий самара 857,5 млн. сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Нефть дисперсион тизимларининг позициясига асосланган ҳолда битум ишлаб чиқаришдаги хомашёни тайёрлаш, турли тайёр нефть битумларнинг хоссаларини модификациялаш хусусиятлари

ўрганилди, махаллий хомашё асосида модификациялаштирадиган кўшимчалар тавсия этилган.

2. Қолдиқ экстрактни кўшилиши гудронларни оксидланиш тезлигини ошириб беришлиги аниқланган, буюмшалиш харорати кўрсаткичи бир хил бўлган битумни олиш учун сарфланадиган оксидланиш вақтини камайиши билан ифодаланади, оксидланадиган гудронда 5% миқдорда қолдиқ экстрактни мавжудлиги оксидланиш вақтини 10 соатдан 8 соатга камайиши, бу эса оксидлаш жараёнини самарасини нисбатан 20 % га ошириши, шунингдек, 5% қолдиқ экстрактли гудронни оксидланишида оксидланган битумни миқдори 2% га кўпайиши ва битумни чўзилувчанлик, пенетрация, термооксидланиб эскириш жараёнларига барқарорлик, пастхароратлик хоссаларини яхшиланиши кўрсатилган.

3. Битумни аралаштириш йўли билан олиш жараёнини йўналтирилган бошқариш усули таклиф қилиниб, унга кўра, аралаштирмада оғир нефть қолдиқларини миқдорини кўпайтириш мақсадида, оксидланган битумни компоненти сифатида чуқур оксидланган юмшалиш харорати юқори бўлган битумни ишлатиш тафсия этилган.

4. 90:10 нисбатли оксидланган битум ва асфальт асосида, товар битумларни амалдаги стандартга мос келадиган ва юқори даражадаги дуктиллик ва иссиққа чидамлилиги билан характерланадиган аралашмали нефтьбоғловчиларни таркиблари тафсия этилган. Хомашёдаги асфальтнинг чегаравий миқдорини аниқлаш критерийси сифатида мўртликхароратини ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган.

5. Сланец смолаларини ҳайдашдаги қолдиқларни нефть битумларини тайёрлашда компонентлари сифатида ишлатиш мумкинлиги кўрсатилган, бу муқобил хомашё ресурсларидан фойдаланиб битумларни олиш учун хомашё сифатида тавсия этилган.

6. Нефтни қайта ишлаш жараёнини оғир маҳсулоти - мойларни селектив тозалаш жараёнини қолдиқ экстрактини дастлабки оксидланиш хомашёсини компоненти сифатида хомашёга 10% гача бўлган миқдорда кўшилишини кўзда тутган ва меёрий хужжатларга мос келадиган нефть йўл-битумини олинишини таъминлайдиган нефть битумини ишлаб чиқариш қурилмасининг технологик регламенти ишлаб чиқилган.

7. Гудронга мойларни селектив тозалаш жараёнини қолдиқ экстрактини кўшиб сифат кўрсаткичлари яхшиланган нефть битумларини олиш технологияси тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

САЙДАХМЕДОВ ЭЛЁРБЕК ЭГАМБЕРДИ УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ БИТУМОВ НА ОСНОВЕ
МЕСТНОГО ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ**

02.00.08 – Химия и технология нефти и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/T231

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Хамидов Босит Набиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юнусов Мирахмад Пулатович**
доктор технических наук, профессор

Исмаатов Дилмурод Нуриддинович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в «__» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871)244-79-21).

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 года
(протокол рассылки № ____ от _____ 2018 года).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Г.Р. Рахманбердиев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире доля нефтяных битумов в общем объеме товарной продукции нефтепереработки составляет 3-4%. Данный показатель имея тенденцию к росту, превысит к 2020 г. мировой спрос на битумы 120 млн. тонн в год. «Увеличение объемов производства и улучшение качества битумов осуществляется максимальным вовлечением сырьевых ресурсов, производством эффективных модифицированных битумных вяжущих»¹.

На сегодняшний день в мире проводятся работы по увеличению объемов производства нефтяных битумов и улучшению показателей их качества оптимизацией состава сырья окисления. В этой области проводятся актуальные научные исследования, направленные на разработку технологии получения нефтяных битумов различного назначения с использованием остаточных продуктов нефтепереработки, получение модифицированных нефтяных битумов с улучшенными физико-механическими свойствами с использованием полимеров и других видов модификаторов, получение нефтяных битумов с использованием альтернативных видов сырья.

В республике в направлении расширения производства нефтяных битумов, улучшения их качества налажено использование альтернативных энергоресурсов при получении битумов. В частности, можно особо отметить способ и технологию получения битумных вяжущих из вторичного продукта пищевой промышленности госсипола, получения нефтяных битумов из тяжелых нефтей Сурхандарьинского региона республики. Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «разработке технологий получения качественных и импортозамещающих продуктов из местного сырья и вторичных ресурсов»². В данном направлении, в частности, востребована разработка технологии получения высококачественных нефтяных битумов с использованием местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе и постановлениях Президента Республики Узбекистан № 2614 от 28 сентября 2016 года «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной продукции на основе глубокой переработки углеводородного сырья на 2016-2020 годы», № 4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации на 2015-2019 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Кабинета Министров Республики Узбекистан № 8 от 22 января 2015 года «О дополнительных мерах по сокращению расходов производства и снижению себестоимости продукта», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹<http://www.oilcapital.ru>. Информационный ресурс OilCapital.ru

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

